

2022 йил — «ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ»

@Xolisnazar

@Xolis_nazar

www.xolisnazar.uz

Маҳалла



№ 4

(2038)

2022 йил 29 январь

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган ва Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ҳамда уни 2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинган видеоселектор йиғилишида ҳеч бир соҳа эътибордан четда қолмади. Муҳими, барча ислохотларнинг бош мезони сифатида «Инсон қадрини учун» тамойили алоҳида ажралиб турди.

Хўш, бу мақсадларга қандай эришиш мумкин? 35 миллиондан иборат кўп миллатли халқимиз дунёдаги ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, адолатли, эркин ва обод жамият қуришдек улғувор мақсадларга етишиш учун нима қилиш керак?

Юқоридаги саволларга берилган жавобларнинг асосида, аввало, маҳалла тизими тургани кишини хурсанд қилади. Бунда икки муҳим жиҳатга эътибор қаратиш ўринли. Яъни маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлишига айлантириш ҳамда давлат органларини «маҳаллабай» ишлаш тизимига ўтказиш таклифи маҳаллага бўлган ишонч ва катта масъулиятни англади.

Эътиборлиси, Тараққиёт стратегиясида 7 та устувор йўналиш бўйича «Инсон қадрини учун 100 та мақсад» белгилаб олинган бўлиб, ушбу мақсадларга эришиш учун жорий йилнинг ўзида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбирни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Президентимиз барча саъй-ҳаракатлар, ажратилаётган маблағлар маҳалла ва хонадонларгача аниқ етиб бориши ва ҳар бир оила



Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси бево-сита маҳалла тизими билан боғланмоқда.

фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шартлигини, бунда республика, вилоят, туман ва шаҳар ҳамда маҳалла даражасидаги барча раҳбарлар бор куч ва ресурсларини тўлиқ сафарбар қилишлари зарурлигига урғу берди.

Англаганингиздек, Давлат дастури ижроси бево-сита маҳалла тизими билан боғланмоқда. Жумладан, мақсадга эришиш учун дунёдаги ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институтининг имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, пировард натижада маҳаллани жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўлишига айлантириш вазифаси қўйилмоқда.

Биз бу мақолада давлат органларини «маҳаллабай» ишлаш тизими қандай бўлади, деган саволга жавоб излаймиз.

Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллабай» ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда «маҳаллабай» ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашиш мақсадида қабул қилинган эди.

Ўтган даврда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган бу иш услуби аҳоли мурожаатлари ва жамиятдаги кўплаб

муаммоларни бартараф этишда қўл келди. Маҳаллабай ишлаш тизими мураккаб жараён бўлишига қарамасдан, унда ҳар бир инсоннинг дардини тинглаш, унинг қисматини тубдан ўзгартириш, жамият тараққиётини иқтисодий ўсишлар билангина эмас, балки аҳолининг ўз ҳаётидан мамнунлиги билан ўлчаш каби мезонлар мавжуд.

Шунинг натижасида айни вақтда юртимиздаги барча соҳалар фаолиятида ва кечаётган ўзгаришлар моҳиятида «маҳаллабай» сўзининг аҳамияти кундан-кун ортиб бормоқда. Республикаимиздаги барча ташкилот ва идораларнинг мазкур амалиёт натижасида жойларда ташкил этаётган иш фаолияти айнан маҳаллалардаги ўзгаришлар ва бу орқали мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилган.

Аммо маҳаллага берилаётган бу эътибор ва вазифаларни биргина тизим ходимларига юкланган топшириқ, деб тушунмаслик керак. Чунки мавжуд муаммолар ва аҳолининг кундалик масалаларини ҳал этиш биргина маҳалла тизими ходимлари томонидан бартараф этиш имконсиз. Шу сабабли мазкур жараёнда ҳар бир соҳа масъулларининг иштироки ва аралашуви муҳим. Жойларда олиб борилаётган «маҳаллабай»

ишлаш тизимининг ҳам муҳим асосини ана шу тамойил – барча соҳа вакилларининг ҳамжиҳат бўлиб, ҳудудлардаги масалаларни ечишга комплекс ёндашиши тушунилади. Бу юқоридаги фикрга ҳамоҳанг бўлиб, давлат органларини «маҳаллабай» тизимга ўтишини англади.

Айтайлик, бугун одамларнинг энг муҳим муаммосига айланиб бораётган коммунал хизматлар масаласини шу тизимнинг жойлардаги масъуллари иштирокисиз ечиб бўлмайди. Тоза ичимлик сув, йўл, оилавий ажралишлар, жиноятчиликнинг олдини олиш каби соҳаларда сезиларли ўзгариш ясаш учун ҳам шу ҳудуддаги айнан ўша тизим ходимларининг доимий иштироки зарур.

Агар бу вазифалар фақат маҳалланинг чекига юклаб қўйилса, эртага Президент ташаббуси ва топшириғи ижроси бажарилмай қолиши ҳеч гап эмас. Масалан, ҳудудлардаги давлат ташкилотлари маҳалладаги муаммоларни шунчаки ҳисобот учун ўрганиб, ечимига киришмасалар аҳолининг ислохотларга ишончсизлиги пайдо бўлади.


Энг муҳими, белгиланган вазифаларни ҳисобот учун, қўл учидан бажаришдан тийилиш талаб этилади. Ҳар бир инсоннинг муаммолари индивидуал тарзда ўрганилиб, барча давлат органлари энг куйи тизимгача тушиб ишласа, маҳалла том маънода одамлар ишончини қозонади.

Президент айтганидек, бунинг учун республика, вилоят, туман ва шаҳар ҳамда маҳалла даражасидаги барча раҳбарлар бор куч ва ресурсларини тўлиқ сафарбар қилишлари зарур.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.



Куни кеча юз берган «блэкаут» Марказий Осиё давлатларини жиддий ташвишга солгани бор гап. Ҳодиса юзасидан турли тахминлар, ҳатто терроризм, махсус хизматлар, геосиёсат билан боғлиқ сценарийлар ўйлаб чиқилди. Йирик сиёсатчилар фикр билдирди. Масалан, рус ҳукумати очиқ айтолмайдиган гапларни киноя билан айтиши тахмин қилинадиган Владимир Жириновский Россияда шу каби «блэкаут»ларни уюштириш имкониятига эга кибертехнологиялар борлигига шаъма қилди.



«БЛЭКАУТ» —

атом энергетикаси ягона чорами?

Ўз навбатида, айна ҳолат учун Ўзбекистон Қозоғистон тарафини, Қозоғистон эса Ўзбекистон тарафини айблади. Аслида нима юз берганига тез кунда очиқлик киритилар. Балки сабаблар йиллар мобайнида сирлилигича қолиб ҳам кетар. Аммо ҳодиса ўта жиддий равишда энергетик хавфсизлик чораларини кўриш зарурлигини яна бир бор исботлади. Муаммо юзасидан енгил-елли қарашларга ўта ачинарли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлди. Замонавий оламда энергетик урушлар тобора авж олиб бораётгани шароитида электр ишлаб чиқариш, уни тақсимлаш, зудликда ишга тушадиган захира тизимларини яратиш муҳим масала сифатида бўй кўрсатди.

Ўзбекистон бу борада катта ислохотларни амалга оширмакда. Анъанавий тармоқлар билан бир қаторда, яшил энергетика, атом станциясини қуриш бўйича лойиҳалар устида ишланыпти. Аммо булар етарлими? Охириги йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш динамикаси барқарорлашган. Мазкур тенденция аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бошқа томондан эса бу икки омил электр энергияси истеъмолининг муттасил равишда ортишига сабаб бўляпти. Яъни корхона ва ташкилот, завод-фабрикаларнинг кўпайиши ортидан электр истеъмоли ошса, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши маънавий истеъмоли ҳам кўтариб юбормоқда. 2030 йилгача мамлакатда электр энергиясига бўлган талаб йилига тахминан 6-7 фоизга ўсиши башорат қилинган. Бироқ Ўзбекистон бундай сценарийга тайёр эмас. Чунки мавжуд қувватлар ички эҳтиёжни тўлиқ қондириш



имконини бермайди. Тезкор чоралар кўрилмаса, келгусида энергия тақчиллиги муаммоси тараққиётимизга тушов бўлиши аниқ.

Атом станциясини қуриш тўхтаб қолдимми?

Биз атом электр станциясини қурмоқчи эканимизни дунёга айтганимизга ҳам уч-тўрт йил бўлди. Узоқ вақт ҳамкорлар, жой танлинди. Лойиҳалар эълон қилинди. Аммо охириги вақтда ишлар тўхтаб қолгандек, гўё. Яқинда Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳукумат бу борада кенг жамоатчилик ҳамда кўшни давлатларнинг позициясини диққат билан ўрганишини айтди. Бу нимани англатади? Шунча шов-шув, муҳокамалар ортида станция барпо қилишга қаршилар ғолиб чиққанми?

— Ташқи сиёсий идорамиз раҳбарига хурматим баланд, бироқ жаноб Комилов энергетик эмас, — дейди «Маъно» тадқиқотлар ташаббуси маркази директори Бахтиёр Эргашев. — У мамлакат энергобаланси қайси таркибий қисмлардан ташкил топгани маъқуллиги ҳақида фикр юритолмайди. Энергетика

вазирлигининг таҳлил ва прогнозлари эса аниқ фактларга асосланган. Шахсан мен учун Ўзбекистон ёки кўшни юртлардаги абстракт омма эмас, балки ишнинг кўзини биладиган малакали мутахассислар истиқболимиз ҳақида нима деяётгани, айнан улар вазиятга қандай баҳо бераётгани муҳим.

Рақамларга юзланамиз. Бугунги кунда Ўзбекистонда электр энергияси дефицити йилига 6-7 млрд. кВт ёки 10-15 фоизни ташкил этмоқда. Саккиз йилдан кейин йиллик эҳтиёж 110-112 млрд. кВтга етади. Бу жиддий масала. Давлат гарданида энергодефицитни тўлиқ бартараф этиш масъулияти турибди. 2030 йилгача вазифа бажарилиши керак. Ҳақиқатга тик қарайлик. Шу чоққача дунёдаги биронта давлат энергиянинг муайян туригагина ишониб қолган эмас. Худди шу каби биронта мамлакат бор-будини фақат қайта тикланувчи энергоресурсларга тикиб барака тополмайди. Ўзбекистон учун кўёш, шамол, гидроэнергия манбалари, иссиқлик электр станциялари қанчалик зарур бўлса, атом энергетикаси ҳам шу қадар аҳамиятлидир.

Тадқиқотчининг фикрича,

АЭС қурилиши билан боғлиқ ғала-ғовурлар ҳаддан зиёд бўрттирилган. Агар лойиҳа ижроси «Росатом» эмас, бошқа хорижий компания бўлганида, четдан молиялаштирилаётган нодавлат ташкилотларимиз, турли-туман табиат муҳофазачилари, журналисту блогерлар ҳозиргидек дод-вой солмасди. Ҳамма гап Ўзбекистон атом энергиясидан фойдаланишга қарор қилгани эмас, балки бу ишни Россиянинг кўмагида амалга ошираётганида. Демак, сиёсий омил кўзга яққол намоён. Боз устига, минтақадаги бошқа давлатлар ҳам АЭС қуришга бел боғлаган. Қозоғистонда бу мавзу бир неча йилдан буён муҳокамада. Яқинда Қирғизистон ҳукумати «Росатом» билан музокаралар бошлагани ҳақида хабар тарқалди. Ваҳоланки, кўшниларининг хатти-ҳаракатидан юртимиз жамоатчилиги жунбишга келгани йўқ. Экологларимиз жим-жит. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ҳам лом-мим демаяпти. Қизиқ, нега?..

Аммо, Жириновский...

Дарҳақиқат, мутахассис ҳақ. Ҳеч бир давлат биргина электр ишлаб чиқариш ту-

рига боғланиб барака топмаган. Яшил энергетиканинг асосий тарғиботчилари Ғарб давлатлари худудида юзга яқин АЭСлар бор. Тинмай ишлаб ётибди. Уларни ёпиш бировнинг хаёлига ҳам келиб қўйгани йўқ. Нега энди Ўзбекистон қураман, деса, бунча шов-шув. Кечагидек «блэкаут»лар такрорланмаслиги учун ҳам қуришимиз керак. Аммо...

Аммо айрим рус сиёсатчиларининг чиқишлари бу масалада ҳам одамни хушёрликка чақиради. Масалан, айтганимиз, ўша бизга ёқмайдиган ташаббуслар қилинса, хоҳлаган пайтда чироқни ўчириб қўя оламиз, деган иддао билан чиққан Владимир Жириновский (айрим пайтларда «Миллий тикланиш» партияси раиси Алишер Қодировнинг бу одамга нисбатан санкция қўллашимиз кераклиги тўғрисидаги гапларини маъқуллайман).

Хўш, атом станцияси курсак, у ерда кимлар ишлайди? Ўзимизда соҳани чуқур тушунадиган ёш кадрлар йўқлиги аён. Яна рус мутахассислари ми? Яна энергетикамизнинг жоловини бошқа давлат фуқароларига топшириб қўймаймизми? Бундан ташқари, АЭСда ишлатиладиган уран захирамиз кўп бўлса-да, уни қайта ишлаб, бойитиш технологияси бизда йўқ. Бундан келиб чиқадики, биз урани мизни хомашё тарзида сотиб, кейин бойитилган шаклда бир неча баробар қимматига қайта сотиб олишимиз керак бўлади.

Демак, АЭС қуриш масаласида ортга қайтмасак-да (зеро, бошқа йўлимиз йўқ), ташаббуснинг барча жабҳаларини чуқур мушоҳада қилиб олишимиз зарур.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

ЯНГИ КОДЕКС

амалдаги ҳужжатдан нимаси билан фарқ қилади?



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, қабул қилинди. Мазкур Кодекс амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ўрнига янги таҳрирда, янги ном билан тасдиқланади. Хўш, янги Кодекс аввалгисидан нимаси билан фарқ қилади? Қандай турдаги жазолар кучайтирилиб, қайсиларига енгиллик берилмапти?

Ибодат либосларида юрганлик учун жазо бекор қилинади

Энг аввало, айтиш керакки, айрим маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиблари замон талаблари асосида қайта кўриб чиқилмоқда. Жумладан, маънан эскирган, амалда ўз аҳамиятини йўқотган ёки фуқаролик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган **33 та маъмурий ҳуқуқбузарлик** (транспортдан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш, шартнома интизомини бузиш, автомат телефонларни шикастлантириш ва б.) **Кодексдан чиқарилади**. Бунда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ айрим нормалар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тизимидан чиқарилиб, бундай ишларни кўриб чиқишни «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун доирасида амалга ошириш таклиф этилмоқда.

— Янги Кодекс лойиҳасида «Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши» бўйича белгиланган жазо ҳам бекор қилинмоқда (олиб ташланмоқда), — **дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев**. — Амалдаги Кодексга кўра, бундай ҳуқуқбузарлик учун БҲМнинг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қamoқ белгиланган. Яқинда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонундан фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўймаслик талаби бекор қилинганди. Шунга асосан, янги Кодексдан жавобгарлик ҳам олиб ташланмоқда. Ва ниҳоят, яна бир мантқиқсиз ва кўпчиликка ноқулайлик келтирган жазо йўқоляпти. Ўз навбатида, объектив

эҳтиёждан келиб чиқиб, **12 та янги турдаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланади** (пиёда ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига йўл бермаслик, электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш тартибини бузиш ва б.).

Халқаро экспертлар, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти тавсияларига кўра, **3 турдаги** ижтимоий хавфи катта бўлган ва маъмурий жавобгарлик орқали таъсир кўрсатиш самарасиз бўлган ҳуқуқбузарликлар Кодексдан чиқарилиб, улар учун **жиноий жавобгарлик белгиланмоқда**.

Булар:

— НТТнинг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

— давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

— давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулккий манфаатдор бўлиши.

Яна бир муҳим жиҳат: ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ашёни ҳақини тўлаш шартли билан олиб қўйиш жазоси маъмурий жазо тизимидан чиқарилади.

Жарималар миқдори пасайтирилиши мумкин

Ҳуқуқбузарликка оид иш юритиш тизимини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этиш назарда тутилмоқда. Бунда амалдаги Кодексда мавжуд бўлмаган исбот қилиш, далиллар тақ-



Маълумот учун, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 1995 йилда қабул қилинган ва у 348 моддадан иборат.

дим этиш, холислар, экспертиза тайинлаш, суд мажлисини видеоконференция тарзида ўтказишга оид янги тартиблар киритилади.

Янги Кодекс билан коррупция ҳолатларига имкон берувчи омилларни бартараф этиш мақсадида **ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида нақд пулда жарима ундириш тартиби бекор қилинади**. Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатлари ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида **тайинланган маъмурий жазо чораларини алмаштириш тартиби белгиланади**.

Қолаверса, амалдаги жазоларни либераллаштириш мақсадида **қатъий маъмурий жарималар қайта кўриб чиқилиб**, уларнинг минимал ва максимал миқдорини белгилаш орқали жарималар пасайтирилади.

Ҳужжат билан Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонунчиликнинг ҳар бир принципи мазмуни очиб берилди. **Масалан, ҳеч бир шахс битта маъмурий ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоида белги-**

ланмоқда.

Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солилмаган кўплаб муаммоли масалаларнинг ечими назарда тутилмоқда. Хусусан, бундай ишларни юритишда рад қилиш асослари ва тартиби, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга нисбатан қўйилмаган талаблар ва бошқа ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги масалаларга оид қоидалар киритилади.

Соддалаштирилган тартиб қандай бўлади?

Маъмурий ҳуқуқбузарликларни соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш назарда тутилмоқда. Яъни иш бундай тартибда кўриб чиқилганда баённома тузилмайди. Ваколатли мансабдор шахс ҳуқуқбузарлик фактини аниқлаган пайтда, ҳуқуқбузар иштирокида электрон тизим ўрнатилган қурилма ёрдамида жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилади. Қарор электрон қурилманинг махсус бармоқ изларини сканерловчи

ускуна ёрдамида ҳуқуқбузар томонидан бармоқ изларини тушириш орқали тасдиқланади. **Қарор нусхаси электрон ёки қоғоз шаклида ҳуқуқбузарга берилади**.

Бу жараёнда айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни **расмий огоҳлантириш билан боғлиқ рағбатлантирувчи қоидалар** ҳам киритилмоқда. Мисол учун, ҳуқуқбузарликни содир этган шахс, агар у муқаддам бир йил мобайнида йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, қарор билан расмий огоҳлантирилади. **Бироқ ушбу қоидалар муқаддам огоҳлантирилган ёки суд томонидан жазодан озод қилиниб, бир йил давомида қайта ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.** * * *

Маълумот учун, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 1995 йилда қабул қилинган ва у 348 моддадан иборат. Янги Кодекс эса 600 га яқин моддадан иборат бўлади. Янги кодекснинг қабул қилиниши билан фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш қафолатлари кучайтирилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан иш юритиш тизими тақомиллаштирилиб, ортиқча тартиб-таомиллар бекор қилинади.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.

« Республика махсус комиссияси қарори билан 24 январдан ўқувчилар учун онлайн тарзда дарс жараёнлари бошланди. Режа бўйича бу бир ой давом этиши маълум қилинмоқда. Аммо онлайн таълим қанчалик самара берди? Бу савол ҳали ҳам очиқ турибди.



ОНЛАЙН ТАЪЛИМ — ЎЗИМИЗНИ АЛДАШ УЧУН БИР ВОСИТА, ХОЛОС



Ҳар сафар касаллик кўпайганда онлайн таълимга ўтаверсак...

Ҳеч қачон онлайн таълим анъанавий таълимнинг ўрнини босолмайди. Ўзи анъанавий таълимда ҳам кўп жойларда ўқувчилар давомати 60-70 фоиз бўлса, онлайн таълимдаги давоматни айтмаса ҳам бўлади. Анъанавий таълимда фарзандини назорат қилиш учун «Kundalik.com»га кирмаган ота-она онлайн таълимда қирадимми?

Бундан ташқари, кўп жойларда электр йўқ, электр бўлса, интернет йўқ. Интернет бўлса, тезлик паст. Мактабларга уланган интернет юклама кўпайгани сабабли яхши ишламайди. «Kundalik.com» платформасининг ўзида ҳам бир талай муаммолар мавжуд.

Онлайн таълим ўзимизни ўзимиз алдаб, овутиш учун бир восита, холос. Унинг самара бермаслигини ҳаммамиз жуда яхши биламиз. Шундай бўлса-да, ҳали Ўзбекистондаги бирорта мактаб пандемия даврида ишлашга мослаштирилганини эшитмадим.

Хўш, ҳозир касаллик кўпайгани учун мактаблар очилмаса, унда қачон очилади? Бир ойдан кейин, икки ойдан кейин, боринг ана, бу

йил тўлиқ онлайн мактаб жорий этилди ҳам дейлик. Нима ўзгаради? Бир кун келиб мактабларни очишга мажбур бўлишимиз аниқ-ку.

Бугун «Omicron» чиқади, эртага яна бошқа тури, кейинги йилга яна бошқа турдагиси чиқаверади. Хуллас, бу давом этаверади. Ҳар сафар касаллик кўпайганда онлайн таълимга ўтаверсак, бошқа мамлакатлардан яна 20 йил ортда қолиб кетамиз.

Шунинг учун ҳукумат бор эътиборини таълимга қаратиши лозим, деб ҳисоблайман. Шу сабабли энди мактабларни қайта жиҳозлаш керак. Бу замон талаби. Ижтимоий масофа сақлайдиган, ойна билан тўсилган парталар, доимий дезинфекцияловчи қурилмалар ҳамда энг сўнгги русумдаги жиҳозлар билан мактабларни таъминлаш ҳамда сиғими кичик мактабларда кўшимча бинолар қуришни тезроқ бошлаш керак.

Шу мавзуда гап очилса, ҳозирги пайтда давлат бюджети буни кўтаролмайди, дейишади. Лекин бу ишларни, керак бўлса, шаҳарларда янги қуриладиган «City» лойиҳаларини тўхтатиб бўлса ҳам амалга ошириш шарт ва зарур.

Минг афсуслар бўлсинки, биз ҳали 20 нафарли синф тизимида ҳам ўтолганимиз йўқ. Ривожлан-

ган давлатлар 7 нафарли синф тизимида ҳам ўтиб бўлди. Бизда эса бир синфда 40 нафар ўқувчи ўқиётган мактаблар ҳам бор. Бу муаммоларни бартараф этиш учун эса ҳукумат бутун эътиборини халқ таълими тизимида қаратиши керак. Энг муҳими, ҳали ҳам кеч эмас.

«Свет» бўлмаса, ўқитувчи қандай баҳо қўяди?

Яна бир гап: куни кеча Ўзбекистоннинг деярли барча жойларида электр энергиясида узилишлар бўлгани сабабли жойларда ўқитувчилар «Kundalik.com» платформасида ўқувчиларни вақтида баҳолай олмаган. Айрим жойларда бунинг учун педагогларга чора кўрилиши, уларнинг ойлик маошидан ушлаб қолиниши айтилибди.

Минг афсуски, айрим жойларда бюрократ раҳбарлар ҳали ҳам бор экан. Икки кундан буён бутун республика бўйича электр энергиясида муаммолар кузатилаётганини боғча боласи ҳам билса керак. Лекин мана шундай мантиқ ёки «фаросат» етишмайдиган айрим масъулларимиз шундай оғир вазиятда ўқитувчиларга чора кўриш билан овора.

Тушунинг, электр токини ўқитувчилар атайлаб узиб қўйгани йўқ. Электр токининг узилиб қолиши умуман инсон омилига боғлиқ эмас. Бундай вазиятларда ходимларга нисбатан жазо чораларини қўллаш умуман мантиққа тўғри келмайди. Электр токи йўқ бўлса, интернет ишламаса, ҳаттоки баъзи жойларда алоқа воситалари ҳам узилган бўлса, педагог ходимлар қандай қилиб «Kundalik.com» платформасига кириб ўқувчиларни баҳолай олиши мумкин?

Ўқитувчилар электр токи билан боғлиқ бўлган меҳнат мажбуриятларини бажараётган вақтда бекор туриб қолса, бундай вазиятда уларнинг ойлик маошини ушлаб қолиш қонунчиликка ҳам тўғри келмайди. Чунки Меҳнат кодексининг 159-моддасига кўра, ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақтда унинг ўртача иш ҳақи сақланиши керак.

ПЕДАГОГЛАРГА қандай имтиёзлар берилмоқчи?

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига «2022-2026 йилларда Халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг Миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент фармони лойиҳаси жойлаштирилди. Ҳужжатнинг муҳим жиҳатлардан бири — 2022 йилдан бошлаб педагог ходимларга бир қанча имтиёзлар берилиши мумкин. Жумладан:

— педагог ва бошқа ходимларга ер ва мол-мулк солиғи ҳамда коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича 50 фоиз миқдорда имтиёз берилади;

— умумтаълим мактаблари раҳбарияти ва педагоглари учун шаҳар йўловчи транспортдан фойдаланишида 50 фоиз чегирма берилади;

— Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этиладиган рўйхат асосида тизимда фаолият юритаётган педагог ва ходимларга уй-жой сотиб олиш учун 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда йиллик 3 фоиз ставкаси билан 20 йил муддатга ипотека кредитлари ажратилади;

— халқ таълими тизимидаги ходимларга ҳар йили умумий ходимлар сонига нисбатан бир фоиздан кам бўлмаган миқдорда фоизсиз муддатли тўлов асосида автотранспорт воситаларини сотиб олиш имкониятини яратилади;

— 15 йилдан ортиқ тизимда фаолият юритаётган раҳбар ходимлар ҳамда олий ва биринчи малака тоифасига эга ўқитувчиларни бир йилда бир марта имтиёзли шартларда санаторий-курорт шароитида даволанишга юборилади.

Қолаверса, 2023 йил 1 январдан бошлаб, малака тоифасига эга бўлган ўқитувчиларнинг ойлик маошлари босқичма-босқич ошириб борилади.

Жумладан:

— олий тоифали ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларини 100 фоизга;

— биринчи тоифали ўқитувчиларнинг ойлик маоши 50 фоизга.

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб, олий ҳамда биринчи тоифали ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкалари яна 50 фоизга, 2024 йил 1 сентябрдан эса олий тоифали ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкалари 30 фоизга, биринчи тоифали ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларини 25 фоизга ошириш назарда тутилади.

Бундан ташқари, 2022 йил 1 сентябрда қадар малака тоифасига эга бўлмаган ўқитувчилар тест синовидан ўтказилиши режалаштирилмоқда. Бунда тест синовларидан муваффақиятли ўтган ўқитувчиларнинг белгиланган тартибда тоифаси оширилади. Шу билан бирга, фармон лойиҳасида янги ишга қабул қилинаётган педагог ходимлар илгари ўзининг айбли ҳаракатлари сабабли меҳнат шартномаси тугатилган бўлса, раҳбарлик ва ўқитувчи лавозимида тайинланиши тақиқланиши ҳам назарда тутилмоқда.

Мавлуда ПЎЛАТОВА,
Тошкент вилояти,
Тошкент туманидаги
16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

« Кўп жойларда электр йўқ, электр бўлса, интернет йўқ. Интернет бўлса, тезлик паст.

ОДАМЛАР КОРОНАВИРУСДАН ЭМАС,

кўпроқ йўл-транспорт ҳодисаларидан ҳалок бўляпти

« Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 28 январь ҳолати бўйича берган маълумотида кўра, шу вақтга қадар коронавирусдан вафот этган юртдошларимиз сони 1554 нафарни ташкил этмоқда. Республика йўлларида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида эса биргина 2021 йилнинг 10 ойи давомида 1964 киши ҳаётдан кўз юмган.

Ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинганда, уларнинг 1782 таси йўл ҳаракатини нотўғри ташкил этиш ёки йўллардаги носозликлар туфайли рўй бергани маълум бўлган. Бундан ташқари, пиёдалар ўтиш жойи бўлмагани сабабли пиёдаларнинг белгиланмаган жойдан йўлни кесиб ўтиши, тезликни меъёрдан ошириб юбориш каби омиллар ҳам аварияларни келтириб чиқарган.

Минг афсуски, бу борада оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали қайта-қайта бонг урилса-да, ижобий ўзгаришлар кузатилмади.

Адашмасак, 2021 йилнинг июнь ойида Республикада йўл ҳаракати соҳасидаги муаммоларни комплекс ўрганиш ва амалий муаммоларни бартараф этиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи ҳам тузилган эди. Ўшанда ишчи гуруҳ томонидан йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисалари барвақт олдини олишнинг бугунги кундаги ҳолати комплекс равишда ўрганилиб, илғор хорижий тажрибаси ва илмий ёндашувларни қўллаш асосида норматив-ҳуқуқий ва манзилли ташкилий-амалий чоралар ишлаб чиқирилиши, йўл инфратузилмаси билан боғлиқ жиддий муаммолар – йўллар ҳолати, пиёдалар ўтиш жойи, йўл белгилари, тартибга солинмаган чорраҳалар ва бошқаларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни тубдан яхшилаш бўйича ҳар томонлама чоралар кўрилиши айтилганди.

Назаримизда, кутилган натижа бўлмапти. Йўқса, давлатимиз раҳбари коронавирусдан эмас, йўл-ҳаракатидан одамлар кўп ўлиб

кетяпти, дея бу масалага барчанинг эътиборини қаратмаган бўларди. Президент бу борада Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини ташкил этиш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида алоҳида тўхталиб, «...ҳайдовчилик гувоҳномасини ўқимасдан олиш оддий ҳолга айланиб қолди. Шунинг учун авариялар сони соат сайин ошиб бормоқда», деди. Бу муаммони бартараф қилиш учун мутасаддиларга, аввало, ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштириш, иккинчидан, ўқитмасдан ва ўргатмасдан гувоҳнома бериш «жинояти»га қарши жазони кучайтириш бўйича қонунчиликка қўшимча киритиш юзасидан таклиф киритиш топшириғи берилди.

Дарҳақиқат, автомактабларга бормасдан ҳайдовчилик гувоҳномасини олаётганлар талайгина.

Таксида кетаётган андижонлик бир йигит айтди: «Самарқандда «права»га ўқиш арзон экан. Шу боис «С» тоифага ҳужжат топшириб келяпман. «Права»ни олишим билан Европага фура ҳайдашга кетаман». Қизиғи, у бир кун ҳам дарсга бормасдан гаплашиб келаётганини мағрурланиб айтиб ўтди.

Яқинда бир ҳамқишлоғим «Матиз» олди. Орадан 10 кун ўтиб, гаплашилган ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам қўлига теғди. Қишлоқда бирор йўл-ҳаракати қоидаларига риоя қилиш шарт эмас-ку, яхшигина ҳайдаб юрди. Бир ой ўтгач тажриба орттирдим, деб ўйлади шекилли, Қарши шаҳрига



қатнай бошлади. Кейин билдимки, шаҳарда йўл-ҳаракати қоидаларини яхши билмагани учун автоҳалокатга учрабди...

Шу боис аввало, автомактаблар устидан қатъий назорат ўрнатиб, имтиҳон тизимини шаффоф ва коррупциясиз қилиш керак. Бу борада ҳаракатлар ҳам бошлангандай. «Ватанпарвар» ташкилоти Ангор тумани Ўқув спорт техника клуби кадрлар бўйича инспектори фуқарога «Б» тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини 1 ой муддатда ўқув машғулотларига қатнашмасдан олиб бермоқчи бўлгани аниқланиб, ушланган. Бироқ қачонгача Президент айтиши керак, ўз соҳасига масъуллар нега ўз вақтида ҳаракат қилишмайди?

Яна қандай муаммолар бор?

Бугунги кундаги йўлларнинг ҳолати ўсиб бораётган транспорт воситаларининг тирбандликларсиз ҳаракатланишини таъминлашга жавоб бермайди, йўл ҳаракати иштирокчилари бўлган транспорт воситалари йўловчилари, пиёда ва велосипед ҳайдовчилар учун йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғри ва тизимли йўлга қўйилмаган.

Бундай ҳолатлар сабабларини ўрганиш натижалари йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича амалиётда қўлланилиб келаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксарияти собиқ иттифоқ даврида ишлаб чиқилганини, ягона тизимга мувофиқлаштирилмаганини, улардаги нормалар замонавий талабларга мос келмаслигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, йўлларнинг носозлиги, йўл белгилари,

«...ҳайдовчилик гувоҳномасини ўқимасдан олиш оддий ҳолга айланиб қолди. Шунинг учун авариялар сони соат сайин ошиб бормоқда».



айниқса, йўл чизиқлар чизилмагани ҳам йўл ҳаракати қоидалари бузилишига олиб келмоқда. Йўлларда эса тўхтаб туриш жойларини ташкил этиш тизимли олиб борилмаган ва тартибга солинмаган. Тўхтаб туриш жойларига қўйилмаган талаблар белгиланмаган, ахборот тизими ҳам шакллантирилмаган.

Авариялар серияси қачон тугайди?

Ҳайдовчилар тайёрладиган автомактаблар фаолияти тубдан ислоҳ этилиб, йўл-транспорт ҳаракати учун муҳим ҳисобланган йўлларнинг сифатидан тортиб, йўл белгиларига бўлган ҳар бир жараён қаттиқ назоратга олинди, ижобий ўзгаришлар қилинсагина.

Афсуски, мамлакатимизда шундай ҳудудлар борки, текис ва равон, асфальтланган катта трасса йўлларда юриш ҳайдовчилар учун орзу. Ачинарлиси, сифатнинг «с» ҳарфи бўлмаган бундай манзилларда ҳайдовчилар ўнқир-чўнқир йўлларни териб ҳайдасинми ёки йўл қоидаларига риоя қилсинми?!

Ҳайдовчилар ёқилгидан йўл учун ушланаётган пуллардан йўлларимиз тиллодан бўлиб кетиши керак деса, йўл-патруль ходимлари эса биз фақат йўл ҳаракати қоидаларини назорат қиламиз дейди, йўл сифатига масъул ташкилот

«Ўзавтойўл» эса маҳаллий ҳокимликларни «рўкач» қилишади.

Бизнингча...

Назаримизда, ҳайдовчининг айби билан йўл ҳаракати қоида бузилса, ҳайдовчи билан бирга, у ўқиган автомактабга ҳам жарима қўллаш керак. Шунда бир кун ҳам ўқишга келмайдиганларга ҳайдовчилик гувоҳномаларини бераётган автомактаб масъулларининг ҳам масъулияти ошарди. Агар сифатсиз йўллар сабабли йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ёки автоҳалокатлар содир этилса, унда «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси жабрланган ҳайдовчиларга компенсация тўлаб беришни қонун билан белгилаш зарур. Эҳтимол, шундагина йўлларимиз сифати яхшиланар.

Яна бир таклиф: автомобиль йўлларининг ҳолатию автотранспорт ҳаракатига масъул ташкилотлар сонини кўпайтирмасдан, оптималлаштириш лозим. Масалан, Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Автоўйўл ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ташкил этиш мумкин. Шунда муаммолар бир ташкилотдан бошқасига оширилмасдан, жавобгар ташкилот ягона бўлиб, барча муаммога бир ташкилот масъул бўларди.

Рустам ЮСУПОВ.

«

Қайси бир йилдаги нарх-навони эслайдиган бўлсак, «Гўшт фалон сўм эди» деб қўямиз, шунга қараб арзончилик ёки қимматчилик бўлгани ҳақида хулоса қиларимиз. Чунки гўшт инсон истеъмоли учун зарур бўлган маҳсулотлардан биридир.

Яқинда ахборот сайтларидан бири одамлар ўртасида ҳафтада қанча миқдорда гўшт ейиши хусусида сўров ўтказди. Бу ҳам аҳоли яшаш даражасини баҳолашга хизмат қилади. Умуман олганда, ушбу маҳсулот ҳар доим қиммат деб ҳисобланади. Ростдан ҳам шундай. Агар кўклам қурғоқчил келиб, чорва учун ем-хашак танқис бўлса борми, гўшт нархини осмонда кўрасиз. Натижада аҳолининг гўшт истеъмоли қилиш қуввати пасаяди.

Хўш, бунинг олдини олиш, гўшт етиштиришни арзонлаштириш учун нима қилиш керак? Қассобларга «гўштни арзон нархда сот» деб топшириқ бериш орқали масалани ҳал қилиб бўлмаслиги тажрибадан аён.

Албатта, чорва учун жуда кўп яйловлар, ем-хашак етиштириладиган экин майдонлари керак. Бизнинг шароитимиздан келиб чиққанда, барибир гўштни арзонлаштириш қийин иш. Маълум бўлишича, энг тез етиштириш имконияти мавжуд маҳсулот парранда гўшти ҳисобланади. 1 килограмм вазн олиши учун паррандага 1,7 килограмм, қорамолга эса 8 килограмм озуқа-ем талаб этилади. Аҳоли ўртасида паррандачилик билан шуғулланишни давлат томонидан рағбатлантирилиши ҳам бежиз эмас. Бу орқали гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёж қондирилади.

Ўтган йили давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан паррандачилик соҳасини ривожлантириш борасида бир қатор имтиёзлар берилган эди. Жумладан, паррандачилик лойиҳаларини амалга оширишга 100 миллион доллар ажратилиши, паррандаларни сўйишга мўлжалланган замонавий комплекс лойиҳалари бўйича харажатларнинг бир қисми компенсация қилиниши, паррандачилик корхоналари учун фойда, мол-мулк, ер ва сув солиқлари ставкалари 50 фоизга

ПАРРАНДАЧИЛИК муаммоларига қандай ечим бор?



Хонадон аъзоларига уларни парваришlash бўйича тавсиялар бериш, шароитлар яратишга кўмаклашиш лозим.

камайтирилиши белгиланган эди. Албатта, бу ижобий самара бераётгани шубҳасиз.

Аммо кейинги пайтларда аҳоли томонидан кўп истеъмоли қилинадиган товуқ гўшти ҳақида турли гаплар пайдо бўлаётгани сир эмас. Яъни сунъий дорилар ёрдамида семиртириладиган товуқларнинг гўшти инсон соғлигига қай бир даражада зарар етказар экан. Демак, ушбу имтиёзлардан фойдаланаётган паррандачилик корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришда фақат сонга қараб интилмасдан, сифатига ҳам эътибор қаратиши жоиздир.

Демоқчимизки, паррандаларни сунъий семиртириш мақсадида гормон дорилар билан эмлашни бир меъёрга солиш зарур. Биламизки, фойда кетидан қувиш натижасида парранда гўштининг мазаси ва организм учун фойдали бўлиши иккинчи даражага тушиб қолмоқда. Албатта, бу истеъмолиларнинг манфаатига зарар етказиши. Шундай экан, савдога чиқариладиган парранда гўшларининг сифатини назорат қилиш бўйича мукамал бир тизим йўлга қўйилиши зарур.

Бу борада хонаки паррандалар парваришlashни ривожлантириш ҳам яхши самара беради. Айниқса, аҳоли хонадонларида бу юмуш билан шуғулланишни рағбатлантириш аниқ муддаодир. Аҳолига олдин ҳам парранда тарқатилгани сир эмас, лекин саноат усулида етиштириладиган паррандалар етказиб берилгани туфайли улар хонадонга мослашмади ва парвариш жараёнида йўқотишлар кўп

бўлди.

Маълумотларга кўра, жорий йилда ҳар бир хонадонга 100 бошдан парранда, 5-6 бошдан қўй, эчки, 20 бошдан қуён бериш режалаштирилган. Бу жараёнда юқоридаги хатолардан тўғри хулоса чиқарилиб, хонаки парранда етказиб беришга эътибор берилмоқда. Шу мақсадда Россия ва Хитойдан хонаки парранда тухумларини олиб келиш борасида музокара олиб борилмоқда. Айни вақтда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Агро-ахборот инновация маркази вакиллари Россияда бўлиб, жумладан, паррандачилик соҳасидаги илгор тажрибаларни ўрганмоқда.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори Тўлқин Сатторовнинг таъкидлашича, Россия Фанлар академиясига қарашли Паррандачилик илмий-технология институтининг олти филиали томонидан амалга ошириладиган аҳамиятли ишларни ўзлаштириш мақсадга мувофиқдир. Боиси,

улар бройлер ва хонаки жўжалар етиштиришда дунёда ўзига хос пешқадамликка эга. Шунингдек, замонавий жиҳозланган лабораторияларда бериладиган ҳар бир озуқанинг таркиби алоҳида ўрганилиб, кейин етказилади. Айни вақтда ҳамкорлик меморандуми имзоланган бўлиб, унга кўра, жорий йил давомида бизга хонаки жўжаларнинг оналиги келтирилади.

Албатта, мазкур чора-тадбирлар натижасида паррандачилик соҳаси ривожланиши, жумладан, аҳоли ўртасида бу юмуш билан шуғулланиш кенгайиши мумкин. Фақат келтирилган паррандаларни хонадонларга тарқатиш билан чекланиб қолинса, қутилган натижага эришилиши қийин. Биринчи навбатда, хонадон аъзоларига уларни парваришlash бўйича тавсиялар бериш, шароитлар яратишга кўмаклашиш лозим.

Тўғри, бир парча ери бор хонадонларимизда товуқ боқиш одатга айланган, бу унча қийин иш ҳам эмас. Лекин паррандалар сонини кўпайтириш, уларни касалликлардан асраш ўз-ўзича бўлмайди. Шу билан бирга, товуқ-жўжалар бериладиган

ойла аъзоларида бу ишга хоҳиш борми — буни аниқлаш керак.

Сир эмас, маҳаллаларда боқиманда инсонлар ҳам учрайди. Уларнинг нияти бирор юмушнинг бошини тутиб оила даромadini таъминлаш эмас, давлат томонидан ажратилган турли ёрдамларга кўз тикишдир. Ҳатто кредит ҳисобига берилган чорва молларини сўйиб ёки бозорга чиқариб сотиб, пулини эҳтиёжи учун ишлатиб юборган оилалар ҳам учради-ку. Бу масалага маҳалла фаоллари томонидан жиддий эътибор қаратилиб, шу каби ҳолатларга йўл қўйилмаслиги таъминланиши, боқиманда кимсаларнинг онгига меҳнат қилмасдан туриб текин нарсага эга чиқиш, бировларга юк бўлиб яшаш ўта хунук одатлиги сингдирилиши жоиз.

Айни пайтда ўз хўжалигида хонаки товуқлар боқадиган оилаларни қўллаб-қувватлаш зарур вазифадир. Бозорларимизда хонаки товуқлар гўшти ва тухумлари сотилиши уларнинг хизмати ҳисобланади. Агар уларнинг фаолиятини кенгайтиришга шароит яратилса, қишлоқларда яшовчи бошқа кўплаб оилаларда паррандачилик билан шуғулланишга қизиқиш кучайиши шубҳасиз.

Хуллас, юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва хўжалик юритишни янада яхшилаш нуқтаи назаридан парранда маҳсулотлари ишлаб чиқаришда самарали йўللارни ҳаётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

«

Фойда кетидан қувиш натижасида парранда гўштининг мазаси ва организм учун фойдали бўлиши иккинчи даражага тушиб қолмоқда. Албатта, бу истеъмолиларнинг манфаатига зарар етказилади.

ТУНГИ НАВБАТЧИЛИК МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ САНАЛАДИМИ?



Сир эмас, байрамлар арафасида кўплаб корхона ва ташкилотларда кундузги ёки тунги навбатчиликлар ташкил қилиш йўлга қўйилган. Бундан кўзланган мақсад — жамоат хавфсизлигини сақлаш, юзага келиши мумкин бўлган турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш, ўз вақтида барта-раф этиш, шунингдек, бу ҳақда ваколатли идораларга тезкорлик билан хабар бериш, дея баҳоланади. Хўш, аслида ҳам шундайми? Бу борада қонунларимизда нима дейилган? Навбатчилик қилингани учун қўшимча ҳақ тўланадими?



Айни масалалар бўйича таниқли ҳуқуқшунос Хўш-нудбек ХУДОЙБЕРДИЕВ ўз мулоҳазаларини билдирди.

Навбатчиларнинг 3 тоифаси бор

Биринчи тоифа — штат жадвалида бевосита у эгаллаб турган лавозими «навбатчилик» билан боғлиқ бўлган ходимлар. Масалан, аэропортдаги навбатчилар, меҳмонхона навбатчиси, навбатчи диспетчерлар ва ҳ.к. Бундай ҳолларда уларнинг навбатчилиги асосий иш вақти сифатида баҳоланади ва ҳақ тўлаш ҳам умумий тартибда амалга оширилади.

Иккинчи тоифа — меҳнат шартномасида ишлаб чиқариш зарурияти ҳамда у эгаллаб турган лавозимнинг хусусияти туфайли асосий иш вақтидан ташқари навбатчиликда туриш белгилаб қўйилган ходимлар. Масалан, бу тоифага шифокорлар яққол мисол бўла олади.

Учинчи тоифа — бу айнан биз кўриб чиқаётган навбатчилик, яъни байрам кунларида жадвал асосида «оператив» ташкил этиладиган бир марталик навбатчиликдир. Ушбу тоифадаги навбатчи-

ликнинг юқоридаги иккитасидан асосий фарқи шундаки, бундай «оператив навбатчилик»ка жалб қилинган ходимлар ўзларининг асосий функционал вазифаларини бажаришмайди. **Яъни бундай навбатчилик вақтида ўқитувчи дарс бермайди, шифокор даволамайди, бухгалтерлар ҳисоб-китоб қилмайди, ҳуқуқшунослар ҳужжатларнинг қонунийлигини текширмайди ва ҳ.к.** Улар шунчаки идорада маълум бир соатни ўтказишади. Хуллас, белгиланган вақтда белгиланган жойда туриб беришса бўлди.

Бу тоифанинг яна бир фарқи шундаки, байрамлар арафасида навбатчиликда қоладиган аксарият ходимларнинг меҳнат шартномасида бундай навбатчиликда



қолиш мажбурияти белгиланмаган бўлади. Яъни аслида улар бундай навбатчиликда туришга мажбур бўлмайди. Шу боис айрим мутахассислар байрамлар арафасидаги «оператив навбатчилик»ни иш вақтидан ташқари иш (Меҳнат кодекси 124-модда) дея ҳисоблашмайди.

Муаммо нимада?

Амалиётда энг кўп учрайдиган муаммолардан бири — байрам кунларидаги навбатчиликлар ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга бўлмасдан ташкил қилинишидир. Яъни иш берувчининг буйруғи (фармойиши) чиқарилмасдан, **шунчаки оғзаки кўрсатма билан белгиланади.** Наридан борса, навбатчилик жадвали ташкил қилиниб, унинг тепасига «тасдиқлайман» дея раҳбар имзо ва муҳр қўяди, бўлди.

Лекин бу навбатчилик ташкил қилиш ва унга те-

гишли тартибда ҳақ тўлаш учун асос бўлмайди. Шу сабабли деярли барча ҳолатларда бундай «оператив навбатчилик» учун ходимларга ҳеч қандай ҳақ тўланмай келинмоқда. Наридан борса, уларга навбатчиликнинг эртаси кун ишга чиқмаслик ёки кечикиброқ ишга чиқишга рухсат берилади, холос. Бирок бу мутлақо нотўғри.

Навбатчилик — қонунчиликда борми?

Меҳнат кодексига навбатчилик ҳақида ҳеч қандай қоида белгиланмаган. Шу сабабли навбатчилик тартиби фақат локал ҳужжатлар билан белгиланади. Аммо амалиётда кўп гувоҳи бўламанки, байрам кунларидаги навбатчиликни ташкил қилиш тартиби ва унга тўланадиган иш ҳақи бирорта ҳужжатда қайд этилмаган бўлади. Шунчаки оғзаки топшириқ ёки иш

берувчининг кўрсатмаси асосида ташкил этилади.

Навбатчиликда туриш одатда ходимларнинг меҳнат шартномасида кўрсатилмайди ва уларнинг мажбуриятлари ҳам ҳисобланмайди. Агар ходим розилик бермаса, унда ходимни иш вақтидан ташқари (тунда, байрам ва дам олиш кунларида) навбатчиликка жалб этиш мумкин эмас. Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмаган ва иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлган ходимлар бу каби ишларга жалб этилмайди. Меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда банд кишиларни ҳам иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш тақиқланади.

Қўшимча ҳақ тўланадими?

Меҳнат кодексининг 157-моддасига кўра, иш вақтидан ташқари ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Ходимнинг илтимосига кўра, иш вақтидан ташқари иш учун иш соатларига тенг келадиган миқдорда «отгул» берилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланиши лозим.

...Ҳар нарсанинг ўз тартиб-қоидаси бор. Мажбурият юклатилдими, албатта, бажариш керак. Лекин у сизнинг ҳуқуқларингизга даҳл қилмаслиги лозим. Адолатли меҳнат шароитини яратишда эса ҳар икки томон: иш берувчи ҳам, ходим ҳам бирдек жавобгардир.

Жавлон ВАФОЕВ.

Аҳолини рўйхатга олиш нега керак?

— Келгуси йили аҳолини рўйхатга олиш ишлари ўтказилади. Бу тадбир бизга нима беради?

Нуриддин ШАРИПОВ.
Тошкент вилояти.

Шавкат НОРҚУЛОВ,
Яшнобод тумани статисти-ка бўлими бошлиғи:

— Аҳоли сонини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барчага тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ва эълон қилишнинг ягона жараёнидир. У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, **келгуси 10-20 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади.** Ўз навбатида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар

саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот тарзида фойдаланилади.

Аҳолини рўйхатга олиш баробарида яна бир муҳим вазифани бажариш кўзда тутилган. Бу — ҳудудларни хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйларнинг рўйхатини тузиш билан боғлиқ масала. Турар ва нотурар жойларнинг сони аниқланиб, тегишли ҳудудларда уй-жой, саноат объектларни қуриш масалаларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, **республиканинг янги мукамал кадастр харитаси яратилади.**

ИС ГАЗИ:

25 КУНДА 28 НАФАР ФУҚАРО ВАФОТ ЭТГАН...(МИ?)

« 2021-2022 йил куз-қиш мавсуми давомидида юзага келиши мумкин бўлган фавкулдда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жами 665 та ишчи гуруҳ ташкил этилиб, уларга тааллуқли идоралар вакилларида 9 минг 203 нафар ходим жалб этилди.

Булардан ташқари, «Hududgazta'minot» АЖ, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва бошқа ташкилотларнинг мутахассис усталаридан иборат 204 та таъмирлаш-тиклаш отряди ташкил этилиб, бугунги кунга қадар жами 8 млн. 109 минг 162 та яққа тартибдаги аҳоли турар жойлари, 41 минг 835 та кўп қаватли уйларда ўрганишлар ўтказилди.

Шунга қарамадан республикамиз ҳудудида 2021 йилда ис газидан ҳалокат бўлиб жами 74 та ҳолат аниқланиб, ушбу ҳолатларда 67 нафар фуқаро заҳарланган ва 128 нафар фуқаро вафот этган бўлса, жорий йилнинг 25 январь ҳолатига кўра, 16 ҳолатда 9 нафар фуқаро заҳарланган ва 28 нафар фуқаро вафот этган.

Сабаби нимада?

Таҳлилларга кўра, ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг аксарияти фуқаролар томонидан газ ва муқобил ёқилғи (кўмир, ўтин ва бошқа) турларидан фойдаланишда хавфсизлик чораларига риоя этмаслик оқибатида юзага келмоқда. Ностандарт (қўлбола ясалган) ёки сертификатга эга бўлмаган иситиш печлари ва анжомларидан фойдаланиш; иситиш печларининг дудбуронларини нотўғри ўрнатиш; газ ёки бошқа муқобил ёқилғига мослаштирилган иситиш печлари(анжомлари)ни дам олиш (ухлаш) хоналарига олиб кириш; ҳаво алмашмайдиган хоналарни иситишда очиқ олов(кўмир ва ўтин чўғлари)дан фойда-

ланиш; ҳавони алмаштирувчи шамоллатиш шахталари ёки тўйнуқларни беркитиб (тўсиб) қўйиш ҳам асосий сабаблардан бири.

Шунингдек, иситиш мавсумида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатлардан яна бири, бу – газ-ҳаво аралашмаси натижасида чақнаш, портлаш ҳамда ёнғинларнинг содир бўлишидир.

Афсуски, бугунги кунда фуқароларимиз томонидан ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик оқибатида бундай ҳолатлар тез-тез учраб турибди. Бунга куни кеча Тошкент вилояти Янгийул туманида содир бўлган вазият яққол мисол бўла олади.

30 фоизи электр ускуналардан бўляпти

Мутахассислар томонидан таҳлиллар олиб борилганда, ёнғинларнинг 30 фоизи электр ускуналаридан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, 23 фоизи очиқ оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 20 фоизи иситиш печларини қуриш ва ишлатиш қоидаларининг бузилиши, 9 фоизи болалар шўхлиги оқибатида, 8 фоизи чекишдаги эҳтиётсизлик, 3 фоизи газ жиҳозларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, шунингдек, 16 таси ҳаво ва газ аралашмасининг чақнашидан содир бўлган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, айнан қиш мавсумида ўртача ҳар 3 та содир бўлган ёнғиннинг биттаси иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш ёки носоз ва ностандарт иситиш мосламаларининг ишлатилишидан келиб чиққан бўлиб, аянчли оқибатларга олиб келган.

« Ис газидан (СО) рангсиз, ҳидсиз, кўп учрайдиган заҳарли бирикма табиий газ, ёқилғи, кўмир, ўтин чўғлари тўлиқ ёнмаслиги, чала ёниши оқибатида вужудга келади. Ис газидан организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ушбу газ кислородга нисбатан 300 маротаба тез ва кўпроқ гемоглобинга бирикиш хусусиятига эга. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти жуда пасайиб, гипоксияга, оғир заҳарланганда аноксияга олиб келиши мумкин.

тиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш ёки носоз ва ностандарт иситиш мосламаларининг ишлатилишидан келиб чиққан бўлиб, аянчли оқибатларга олиб келган.

Нима қилмоқ керак?

Мутасаддилар мавсумни беталофат ўтказиш, шунингдек, куз-қиш мавсумида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин, газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши ҳамда ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларга риоя қилишнинг сўрашяпти:

– ташқи ҳимоя қобиқлари шикастланган электр сим ва кабеллардан фойдаланманг; – электр хўжалигида ортиқча юкланиш ва электр симларнинг қисқа туташувидан содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш лозимлиги сабабли сифат сертификатига эга бўлган ҳимоя сақлагичларидан (автоматлардан) фойдаланинг; – иситиш печларининг дудбуронларини тозалаш, созлаш ва уларни қоида талаблари асосида ўрнатиш бўйича хизмат кўрсатувчи махсус ташкилотларга мурожаат қилиш ва улар томонидан лозим даражада хизмат турларининг бажарилишига эришинг;

– иситиш печларини ҳаддан зиёд қиздириб юборманг; – газ ва электр иситиш мосламаларини назорат қилишни ёш болаларга топширманг; – газ таъминоти идоралари мутахассисларини жалб этган ҳолда газ жиҳозларини тафтишдан ўтказиб, уларга техник хизмат кўрсатилиши-ни ташкил этинг; – газ ускуналарини улаш бўйича тартиб-қоидаларга риоя қилинг; – ёнувчи материалларни газ плиталари устида қуритманг; – газ иситиш мосламаларидан хавфсизлик автоматикалари (газинг ўчиб, қайта келишини назорат қилувчи мослама) орқали фойдаланинг ва уларнинг доимий созлигига эътибор беринг. Шу муносабат билан ватандошларимиздан юқорида санаб ўтилган ҳолатларга йўл қўймайликларини сўраб қоламиз. Агар хонада газ ҳидини сезсангиз, чироқ ва учқун чиқарувчи мосламалардан фойдаланманг, дарҳол хонани шамоллатиш чорасини кўринг. Бу ҳақда «104» рақами орқали газ хизматига, ёнғин содир бўлган тақдирда ёнғин-қутқарув хизматининг «101» телефон рақамига хабар беринг.

Достон РУСТАМОВ.

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uy'i
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zguisi» журнали муҳаррири
Рустам ЮСУПОВ
Саҳифаловчи:
Илҳом БОЛТАЕВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Нашр кўрсаткичи: 148